

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧЕТ ТИЛИ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА КИРУВЧИ  
ТАЛАБГОРЛАР УЧУН ДАСТУР**

**Гулистон- 2021**

**Тузувчилар:**

**Э. Ҳамдамов**

**А. Позилов**

**Х. Тожиев**

Факултетлараро чет тиллар кафедраси мудири

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси мудири

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси доценти

**Такризчи:**

**Ф.Икрамханова**

ТТЕСИ “Чет тиллар” кафедраси мудири, п.ф.н.,  
доцент

## **Кириш**

Мазкур дастур Ўзбекистан Республикаси олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналишларини муваффақиятли тамомлаб, Гулистон давлат университетининг барча мутахассисликлари бўйича таянч докторонтурага ўқишга қирувчилар учун мўлжалланган. Дастур таянч докторонтурага қирувчиларнинг чет тили бўйича асосий нутқ; фаолият турлари бўйича билимларини синовдан ўтказишга қаратилган.

Олий таълим тизимида чет тилини ўқитиш нофилологик таълим йўналишлари учун Давлат таълим стандартлари талабларига мос равишда чет тилини мукамал эгаллаган мутахассис кадрлар тайёрлашнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Синов топширувчи талабгорлар ўрганилаётган тилнинг муайян дастурлар асосидаги орфографик, орфоэпик, грамматик, лексик ва стилистик нормаларини эгаллашлари, уларнинг барча нутқ фаолияти турларида ёзма ва оғзаки шаклда тўғри қўллай олишлари талаб этилади.

### **Чет тили бўйича талабгорларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Таянч докторантурага қирувчи талабгорлар чет тили бўйича қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак:

- чет тилининг морфологик тузилиши ва товуш тизими;
- чет тилининг меъёрий грамматика асослари, мулоқотнинг оғзаки ва ёзма турлари;
- нутқнинг диалогик ва монологик шакллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- чет тилининг замонавий ҳолати тавсифи, ёзув, орфография, пунктуация, лексик-грамматик туркумлар масалалари;
- чет тилининг тил грамматик ва синтактик хусусиятлари, содда ва кўшма гаплар;
- чет тилида сўзловчи шахсларнинг кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда сўзлаган нутқини тушуна олиш ҳамда улардан ўзи учун зарур булган ахборотни олиш;
- турли жанрга оид матнларни чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма шаклларда таржима қилишни билиш ва улардан фойдалана олиш;
- чет тилида бошқа шахслар билан касбий ва маиший вазиятларда жонли мулоқот олиб бориш, маъруза қилиш;
- чет тили ва ўқитиш олиб борилаётган тилдаги маълумотларни қўллаб аннотация, реферат, маълумотлар тузиш;
- янги инфорацион технологиялардан касбга йуналтирилган мақсадларда фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

## **Нутқ фаолияти турлари бўйича талаблар**

### **Гапириш**

Талабгор монологик нутқ доирасида ўрганилган мавзу бўйича чет тилида равон гапира олиши, муайян матн мазмунини гапириб бериши, диалогик нутқ доирасида кундалик, мутахассислик мавзуларида суҳбат олиб бориши, саволларга талаб даражасида жавоб бера олиши керак.

### **Тинглаб тушуниш**

Талабгор чет тили материалига таянган ҳолда кундалик, мутахассислик мавзудаги, мамлакатшунослик ва ихтисослик бўйича монологик ва диалогик нутқни тушуна олиши керак.

### **Ўқиб тушуниш**

Талабгор ўқишнинг барча турлари бўйича чет тилидаги кундалик, мутахассислик, ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп мавзудаги матнни ўқий олиши, тушуна олиши ҳамда амалиётда қўллай олиши керак.

### **Ёзув**

Талабгор орфоэпик ва орфографик тил қоидаларига амал қилган ҳолда ўз фикрини ёзма баён қилиши, чет тили материаллари доирасида маълум бир матнни ёзма таржима қила олиши керак.

## **Чет тили бўйича таянч докторантурага кириш синовлари мавзулари ва уларнинг мазмуни**

### **Topics in English**

1. The Place of Women in the Society
2. Family and Society
3. Sports in Uzbekistan
4. My Best Friend
5. Geography of Great Britain
6. Tourism in Uzbekistan
7. My Specialty
8. National Holidays of Uzbekistan
9. Ecology and Health
10. Preservation of Environment
11. Education System of Uzbekistan
12. My Research Work
13. Economy of Uzbekistan

- 14.Sports in the UK and the USA
- 15.Holidays and Festivals in the UK and the USA
- 16.The Holiday of Navruz
- 17.Sports in Uzbekistan
- 18.Student's Life".
- 19.Famous Cities of the USA
- 20.Tourist Destinations of Uzbekistan
- 21.My Family
- 22.Family Values of Uzbek People
- 23.Higher Education in Uzbekistan
- 24.The Place of Women in the Society
- 25.Nature of Uzbekistan
- 26.Ecology and Health

### **THEMEN IN DEUTSCH**

1. Wirtschaft Deutschlands
2. Das Problem der Arbeitsbeschäftigung in Deutschland
3. Aktiengesellschaft in der BRD
4. Das Wirtschaftswunder in der BRD nach dem zweiten Weltkrieg
5. Mitgliedschaft Deutschlands in der G-7
6. Sozialversicherung in Deutschland
7. Die soziale Gesetzgebung in Deutschland
8. Die Krankenversicherung
9. Die Arbeitslosenversicherung
10. Die Garantie des Versicherungssystems von Deutschland
11. Die Bezahlungen bei den Arztkosten
12. Der Begriff AOK
13. Die Kosten bei der Klinik
14. Geschichte der Sozialversicherung in Deutschland
15. Die Altersrente für die Männer
16. Die Altersrente für die Frauen
17. Das Nettoeinkommen
18. Die Finanzen
19. Die Finanzpolitik
20. „Vertikales Finanzausgleich“
21. Die Währungsreform
22. Finanzmittel
23. Bundesländer Deutschlands
24. Die deutsche Haushaltspolitik
25. Die Eurozone
26. Eine neue gemeinsame europäische Währung

Чет тилидан синовда талабгор таълим жараёнида эгаллаган билим ва кўникмаларини намоёниш этиши керак. У ўрганилаётган тилнинг орфографик, грамматик ва лексик нормаларини эгаллаган бўлиши ва уларни нутқ фаолиятининг барча турларида қўллай олиши керак. Чет тилидан синов қуйидаги топшириқларни ўз ичига олади:

1. Ижтимоий мазмундаги мавзулардан бирини оғзаки баён қилиш;
2. Дастур доирасида ўрганилган мавзулардан бирини оғзаки баён қилиш;
3. Илмий иши ҳақида оғзаки маълумот бериш.

### **Чет тили бўйича таянч докторантурага кириш синовларининг баҳолаш мезонлари**

Таянч докторантурага кириш синовининг биринчи бўлими 30 балл билан баҳоланади. Талабгор ижтимоий мазмундаги мавзулардан бирини оғзаки баён этади.

Бу бўлим бўйича талабгорнинг билими қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

- мавзу бўйича ўз фикрини аниқ ва мазмуний кетма-кетликда ифода қилиши – 7.5 баллгача;
- ўз нутқида кириш сўзлардан, грамматик боғловчи элементлардан тўғри фойдалана олиши - 7.5 баллгача;
- турли лексик бирликларни қўллаш орқали фикрини аниқ еткази олиши ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиши - 7.5 баллгача;
- сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва интонация қоидаларига амал қилиши - 7.5 баллгача.

Таянч докторантурага кириш синовининг иккинчи бўлими 30 балл билан баҳоланади. Талабгорлар соҳага оид ўзлари ўрганган мавзулардан бири бўйича мустақил фикрларини ифодалаган ҳолда 200 та сўздан иборат бўлиши керак. Иншо ёзишда иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва хулоса), унинг мантиқий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олиш;

Бу бўлим бўйича талабгорнинг билими қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

- Мавзуга мос мазмунли режа тузилган бўлса, иншо режага мувофиқ ёзилиб, мантиқан изчил, сўз бойлиги, ифода қурилиши, бадиий матн яратиш қонун қоидаларига монанд, мустақил ижодий фикрлар ёзилган фикрлари ёрқин, асосли бўлса - 30 балл;
- Мавзу режа асосида тўлиқ ёритилиб, юқоридаги талабларга жавоб берса, режанинг бирор банди тўлиқ ёритилмаган бўлса, Иншо режаси мавзуга мос, мустақил ва ижодий тузилган бўлса, матн яратишда асосан юқоридаги талабларга амал қилинган бўлса, бироқ фикрлар боғлиқлиги бироз бузилган бўлса - 26-30 баллгача ;
- Иншо асосан юқоридаги талабларга жавоб берса, бироқ унинг мазмунида, режа тузилишида номукамаллик учраса, режа бандлари мавзуга тўлиқ монанд бўлмаса, фикрлар баёнида изчиллик

етишмаса. Иншо мавзуси асосан ёритилса, режа тузилишида ва мавзуни ёритишда изчиллик етишмаса, фикрлар ва хулосаларни асослашда нуқсонлар бўлса- 20-25 балгача;

- Иншо режасида ва матнни ёритишда саёзлик сезилса, фикрлар изчил бўлмаса, мавзудан четга чиқиш ҳолат учраса иншо режаси мавзуга мос бўлмаса мавзудан четга чиқиш каби нуқсонлар учраса, иншони ёритишда такрорлар ва тарқоқ фикрлар мавжуд бўлса 15-19 балгача ;
- Иншо мавзуси ёритилмаган бўлса, режа бандлари мазмунсиз бўлса,ўқувчи мавзуни тушунмаганлиги,фанни заиф билиши сезилиб турса, фикрлар асосланмаган, хулосаланмаган бўлса 0-14балгача

Таянч докторантурага кириш синовининг учинчи бўлими 40 балл билан баҳоланади. Бу бўлим бўйича талабгорнинг билими қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

- мавзу бўйича ўз фикрини аниқ ва мазмуний кетма-кетликда ифодалай олиши – 10 баллгача;
- ўз нутқида кириш сўзлардан, грамматик боғловчи элементлардан тўғри фойдалана олиши – 10 баллгача;
- турли лексик бирликларни қўллаш орқали фикрини аниқ етказа олиши ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиши – 10 баллгача;
- сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва интонация қоидаларига амал қилиши – 10 баллгача.

### **Asosiy adabiyotlar:**

1. “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni.
- 2.Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 488 b.
- 3.Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat‘iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 104 b.
- 4.Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 56 b.
- 5.Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta‘minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 48 b.
6. Ismailov A.A., Fyodorov V.A. Home Study Book (Zero level, Elementary level). Tashkent, 2008.
7. Ismailov A.A., Fyodorov V.A., Morozova O.English for market economy. Tashkent, 2008.
8. Slobodkina N.A., Abduraimova B., Rustamova Z., Tukhliyeva G. Practical English Grammar. Tashkent, 2011.
9. Уддинова Х., Ражабова Д., Қамбаров Н., Икромов Т. English for ICL and ECP Learners. Tashkent, 2012.

10. « Business English» Handbook Advanced Paul Emmerson, Macmillan – 2011, 128p.
11. « Economics » - Roger A. Arnold California State University, –2008, 860 p.
12. «Деловой Английский язык» С.И. Буданова, А.А.Борисова, Torsing publishing house, 2005. - 112 с.
13. «Business English 4», John Taylor, Jeff Zeter, Express Publishing, 2008, 120 с.
14. «Oxford English for Careers Finance» Student's Book, EDavid Baker Richard Clark, Oxford Publishing House, 114 **pages**
15. «Advanced Grammar in Use», R.Murphy, Cambridge University Press, 2007, 276 p.
16. «Деловой Английский: Учебник» Андреева Н.А., Кулемкова Е., 2008, 1000 стр.
17. «Oxford English for Accounting» Student's Book, Evan Frendo and Sean Mahoney, Oxford Publishing House, 124 p.
18. «Business Vocabulary in Use Advanced», Bill Mascull. 2008, 178 p.

#### **Internet saytlari:**

1. [www.itselfi.org/](http://www.itselfi.org/) - the Internet TESL Journal
2. [www.teachingenglish.org.uk](http://www.teachingenglish.org.uk) - The United Kindom’s international orgasation for cultural relations and educational opportunities and BBC
3. [www.usc.edu](http://www.usc.edu) - University of Southern California
4. [www.teachermentors.com](http://www.teachermentors.com) - Teacher Mentors Free Resources for Educators, Teachers, Mentors
5. [www.breakingnewsenglish.com](http://www.breakingnewsenglish.com) - Free, ready-to-use ESL/EFL lesson pllans on the latest breaking news in 7 levels
6. [www.businessenglishsite.com](http://www.businessenglishsite.com) – Free resousces for Educators, Teachers, Mentors
7. [www.examenglish.com](http://www.examenglish.com) – Exam English Ltd.
8. [www.onestopenglish.com](http://www.onestopenglish.com) – MacMillan Publishing House